

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МЕЛИКОВА МАРТАБА НУМОНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ОНГИ  
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
Philosophical sciences**

**Меликова Мартаба Нумоновна**

Ўзбекистон ёшларининг тарихий онги

(ижтимоий-фалсафий таҳлил)..... 3

**Меликова Мартаба Нумоновна**

Историческое сознание молодежи Узбекистана

(социально-философский анализ)..... 21

**Melikova Martaba Numonovna**

The historical consciousness of the youth of Uzbekistan

(socio-philosophical analysis)..... 39

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МЕЛИКОВА МАРТАБА НУМОНОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ОНГИ  
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

**09.00.04 - Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fal304 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чориев Санжар Анварович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Хакимов Назар Хакимович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа доктори (PhD) фалсафа ф.б.

**Қ.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ижтимоий тараққиётининг бугунги босқичида тарихни, ўтмишда юз берган воқеа-ходисаларни билиш, англаш, уларга холисона баҳо бериш муаммоси доим долзарб бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда, улкан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз бераётган глобаллашув, қутбланиш жараёнлари авж олаётган бир даврда, тарихни англаш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини аниқлаб олиш кўпгина халқлар учун ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳаётнинг инсоният олдида қўяётган кескин саволларга жавобни инсон жамиятлар тарихи, ўтмишдан излаши бежиз эмас. Мазкур воқеа-ходисаларга баҳо бериш бизга бугунги кун муаммолари хусусида тўғри фикр юритиш, уларга объектив ёндашиш, келажакда ўтмиш хатоларини такрорланмасликка ёрдам беради.

Дунё илм-фанида тарихий онгнинг моҳияти ва табиатини, унинг глобал хусусиятга эга бўлган ўзгариш жараёнларини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, анъаналарни сақлаб қолиш, уларни келажак авлодга етказиш йўллари ва авлодлар давомийлигини таъминлаш, тарихий онгни шакллантиришнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқиш, тарихий хотирани тиклаш масалалари илмий муассасаларнинг асосий тадқиқот йўналишига айланди. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида бу воқеалар ўтмишда юз берган, яъни кекса авлод бошидан кечирган ходисалардан тубдан фарқ қилиб, ёш авлодни тарихга мурожаат қилишга, таққослашга, ундан қандайдир хулосалар чиқаришга, сабоқлар олишга ундайди. Чунки, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ёшлар тарихий онгида янги инновацияларга асосланган келажакни яратиш илмий-назарий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, кенг қамровли ислохотлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг турли хил жабҳаларига нисбатан янги ёндашувлар ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Мазкур ислохотларни миллий ғояга асосланган маънавият, миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик ҳис-туйғуларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. “Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира - кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англашиб турувчи - муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради”.<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тарихий онгини шакллантириш ва юксалтириш, халқимиз тарихий хотирасини тиклаш масаласи объектив зарурият бўлиб қолмоқда. Чунки, бу келажак бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодга ўз илдизларини теран англаш, халқимизнинг серқирра тарихини, ўтмишини билиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрельдаги ПҚ-2865-сон «Хотира ва кадрлар кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори // [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz/acts/3150991>.

нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** “Тарихий онг” атамаси жамият маънавий ҳаёти ва албатта, тарихчилар, шунингдек инсоният, жамият тарихи масалалари билан шуғулланувчи файласуфлар орасида анчадан бери қўлланилиб келинмоқда. Бу масала билан шуғулланган таниқли чет эллик олимлар қаторида Р.Коллингвуд, М.Блок, К.Ясперс, А.Тойнби, Р.Арон<sup>1</sup> ва бошқа бир қатор мутахассисларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

“Тарихий онг” тушунчаси илк бор немис тарихшунослик фанида ишлатилган ва тарих дидактикаси билан чамбарчас боғлиқдир. Тарихий онг бунда “ўтмиш ҳақидаги билимлар мажмуаси” сифатида таҳлил қилинган. Биз бунинг яққол ифодасини XIX асрнинг ўрталарида илмий изланишлар олиб борган янги-түбинг диншунослик мактаби вакиллари Ф.Х.Баур, Э.Целлер, А.Швенглер<sup>2</sup>, Ф.А.Штауденмайер, Д.Штраус ишларида кузатишимиз мумкин. Масалан, «Геологик йиллик журналли»да чоп этган Ф.Х.Баур ҳамда унинг издошлари тарихий онгни «Черков тарихи хусусидаги манбалар мажмуаси» сифатида талқин этганлар ҳамда уни «христиан тарихий онги» деб тушунганлар.

МДХ олимларидан тарихий билимлар ва тарихий онгнинг табиати масалалари билан А.И.Ракитов, Г.Лукач, И.Берлин, И.П.Вейнберг, Ю.А.Левада, Ю.Афанасьев, В.П.Яковлев, И.Кон, М.Барг<sup>3</sup>, А.В.Гулыга, И.Л.Мерзлякова, А.Х.Самиевлар шуғулланганлар.

Миллий тарихимиз ва фалсафий муаммолар билан мунтазам шуғулланган олимлардан П.Саидов, Ж.Ғуломов, И.Мўминов, И.Каримов, А.Асқаров, Н.Жўраев, Д.Алимова<sup>4</sup>, Т.Жўраев, Ҳ.Султонов, А.Эркаев, С.Отамуратов, У.Саидов, А.Иброхимов, З.Р.Ишанходжаева, Р.Рахмонов, Ф.Файзиев, У.К.Каюмова, Р.М.Абдуллаев, В.Алимасов, Н.Хакимов,

<sup>1</sup>Арон Р. Измерения исторического сознания // Избранное: измерения исторического сознания. М., 2004.

<sup>2</sup>Schwegler A. Die Hypothese vom schöpferischen Urevangelisten // Theologische Jahrbücher. 1843. Zweiterband. S.248-249.

<sup>3</sup>Барг М.А. Эпохи и идеи // М.А. Барг. – М.: Мысль, 1987.

<sup>4</sup>Алимова Д.А. История как история, история как наука. История и историческое сознание. I том / Отв. ред. Э.В.Ртвеладзе; Предисл.; Ин-т истории АН РУз. - Ташкент: «Ўзбекистан», 2008. 280 с.

Қ.Назаров, А.Чориев, С.Чориев, О.М.Ғайбуллаев, С.С.Отмуратов ва бошқаларнинг асарларини таъкидлаш лозим. Уларнинг асарларида тарихий онг ва тарихий хотиранинг турли жиҳатлари акс эттирилган. Аммо, юқорида тилга олинган муаллифларнинг ишлари аҳамиятини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, улар ўз асарларида тарихий онг тушунчаси моҳиятини очиб бериш вазифасини қўйишмаган, балки тарих, фалсафа фанларининг бошқа фундаментал масалаларини ўрганиш баробарида бу масалага ҳам «йўл-йўлакай» муносабат билдириб ўтишган, холос.

Сўнгги йилларда ёшларнинг миллий онги, тарихий хотирасини ўрганиш, ёшларнинг тарихий онгини модернизация қилиш масалаларига бағишланган айрим номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя этилди. Хусусан, бу ўринда, бизнингча, С.С.Отмуратовнинг «Ижтимоий фаол ёшларнинг миллий ўзлигини англаши ва унинг мустақил Ўзбекистон шароитида намоён бўлиши (социологик таҳлил)» (Т., 2000), Д.С.Абдуллажанованинг<sup>1</sup> «Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил)» (Т., 2006), Б.Х.Ходжаевнинг «Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш» (Т., 2016), С.Д.Норкуловнинг «Ўзбекистонда мустақиллик даврида фуқаролик жамиятининг ривожланиши ва ижтимоий онгнинг ўзгариши» (2018) сингари ишларини ижобий баҳолаш мумкин. Кўрсатиб ўтилган тадқиқот ишларида тарихий хотира, тарихни англаш масалалари маълум даражада кўриб чиқилган, бироқ тарихий онгнинг моҳияти ҳамда таркибий қисмлари махсус таҳлил этилмаган. Айнан ушбу ҳолат мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарканд Давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида баркамол ривожланган шахсни шакллантириш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёш авлод тарихий онгини ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш шароитида мазкур соҳага таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳамда мамлакатимиз ёшларининг тарихий хотираси ва тарихий онгини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихий онгнинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрнини аниқлаш;  
тарихни англаш, тарихий онг ва тарихий хотира тушунчаларини таҳлил қилиш;

тарихий онг тушунчасининг моҳиятини очиб бериш;

Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашларида тарихий онг

---

<sup>1</sup>Абдуллажанова Д.С. Миллий тарихий хотиранинг моҳияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалс. фанл. номзод. дис. Автореферати Т., 2006.

тушунчасига турлича ёндашишни кўрсатиб бериш;

Ўзбекистонда ёшларнинг тарихий онги шаклланиши ва ривожланишининг объектив ва субъектив омилларини тадқиқ этиш;

тарихий онг ҳолатига жамиятдаги социомаданий муҳит, амалдаги тарих дарсликлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда халқнинг маданий меъроси қай тарзда таъсир этишини кўрсатиш;

ёш авлод томонидан тарихий хотирани тушунишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

ёшларда тарихий онг юксалиши даражасини ошириш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** ёшлар тарихий онгининг ижтимоий фалсафий моҳияти, унинг hozirgi глобаллашув шароитида ривожланиш омиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** ёш авлод тарихий онгининг шаклланиши, намоён бўлиши ва ривожлантириш тенденцияларини илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фалсафанинг анализ ва синтез, комплекс ва тизимли таҳлил, концептуал назарияларни қиёслаш, социометрик (сўров, анкета, суҳбат, интервью), контент анализ, эксперимент каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий онгнинг махсус ифодаси сифатида шаклланган “тарихий онг” ва “тарихий хотира” тушунчаларининг ўзгарувчанлик ва таъсирчанлик сингари имманент хусусиятлари бугунги давр характери доирасида асослаб берилган;

ёшлар тарихий онгининг институционал ишонч ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий қадрият мўлжаллари асосида қурилган поликритериаллик (кўп мезонлилик)нинг ретроспектив, прогрессив ва маҳаллий идентликка йўналтирилган миллий шакллари аниқланган;

Ўзбекистон ёшларининг хулқ-атворида тарихий онг шаклланишига таъсир кўрсатувчи, хусусийлаштирилган жараёнга ўзгарувчи, ёшларнинг ижтимоий транзит мақоми билан ўзаро боғланган социоструктуравий детерминантлар (ижтимоий муҳит таъсири, тарихга муносабати, ёшлар қизиқиши, тарихий билимлар, идеал хулқ-атвор) даражаси социометрик сўров воситасида аниқлаб чиқилган;

ижтимоий бир хиллиги, шахсий ва жамоавий ўз тақдирини ўзи белгилашнинг корреляцион ўзаро алоқадорлигига асосланувчи риверсив (ижтимоий омиллар таъсирида ўзгарувчан) хусусиятларининг ёшлар тарихий онги шаклланиши тенденцияларига (ватанпарварлик, миллий ғурур, тарихга қизиқиш, тарихий воқеаларга даҳлдорлик хиссиёти) конструктив (ёшларни уюштирувчи ва йўналтирувчи) таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ёшлари тарихий онгини ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш лозимлиги асослаб берилди ва ёш авлод тарихий онги шаклланиши масалалари ёритилган илмий адабиётлар тизимлаштирилди;



ёшларда тарихий онгни шакллантириш жараёнини фаоллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон ёшлари тарихий онги ривожланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари ўртасидаги диалектик алоқадорлик аниқланди ва ўрта-махсус ва олий таълим тизимининг ёшлар тарихий онги ривожланишидаги роли ва ўрни очиқ берилди;

ёш авлод тарихий онгини шакллантириш бўйича давлатнинг ёшларга доир сиёсатини янада фаоллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Халқаро ва республика аҳамиятига эга илмий конференцияларда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган ихтисослаштирилган журналларда чоп этилган мақолалар, ёшлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборот ва тавсиялар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган хулосалар билан таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқотда илгари сурилган концептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар тарих, этика, маданиятшунослик, Миллий ғоя, ижтимоий фалсафа, социология фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан халқимизнинг тарихий маданий-мероси, миллий ғоя, қадриятларни тарғибот қилишда, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази ва унинг вилоят бўлимлари маърифий дастурларида, маҳаллалар, музейлар, ўқув-тарбия билан шуғулланувчи муассасалар, ижодий бирлашмалар ва ассоциациялар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Тадқиқот натижасида Ўзбекистон ёшлари тарихий онгини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар асосида:

ижтимоий онгнинг махсус ифодаси сифатида шаклланган тарихий онг ва тарихий хотира тушунчаларининг дефинициялари ва имманент хусусиятларига оид конструктив илмий хулосаларидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда ва “Ёшлар ва қонун” номли Концепциясини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 30 сентябрдаги 04-13/4476-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг ижтимоийлашуви, жамият ишларига дахлдорлик хиссиёти, актив ҳаётий позицияси кучайишига, ёшлар орасида жиноятчилик даражасини камайтиришга хизмат қилган;

ёшлар тарихий онгининг детерминантлар, институционал ишонч ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлар мўлжаллари асосида қурилган

поликритериал (кўп мезонли) моделига доир илмий-назарий ғоялар, методологик таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг “Оила” маркази идоралараро ахборот базаси концепциясини ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, оиладаги можаро ва зўравонликлар, оилалар ажрашиши ҳамда уларнинг ижтимоий оқибатларини комплекс тадқиқ қилиш асосида уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар комплекс дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2019 йил 8 августдаги 05/1548-19-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда хотин-қизларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш; хотин-қизларнинг илмий изланишлари, инновацион ва ижодий қизиқишларини амалиётга тадбиқ этилишига кўмаклашиш; хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш; хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон ёшларининг хулқ атворида тарихий онг шаклланишига таъсир кўрсатувчи, хусусийлаштирилган жараёнга ўзгарувчи, ёшларнинг ижтимоий транзит мақоми билан ўзаро боғланган социоструктуравий детерминантларини очиқ беришга қаратилган илмий хулоса ва тавсиялардан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг “Маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш Концепцияси”ни ва “Ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг 2019 йил 26 июлдаги 02-03/487-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда ёшлар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилган;

ижтимоий бир хиллиги, шахсий ва жамоавий ўз тақдирини ўзи белгилашнинг корреляцион ўзаро алоқадорлигига асосланувчи риверсив жараёнлар таъсири остида Ўзбекистон ёшларининг тарихий онги шаклланиши тенденцияларига доир таклиф-тавсиларидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, тарғибот тадбирларини мунтазам равишда ўтказиш мақсадида 2018-2020 йилларга мўлжалланган маданий-маърифий ва тарғибот ишлари умуммиллий

Концепцияси ва Комплекс чора-тадбирлар дастури”ни ишлаб чиқишда ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий тармоқлар, онлайн-гуруҳлар ва маданий-маърифий тарғибот ишлари бўйича концепция лойиҳасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги 01-12-10-5328-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида, ёш авлодда ватанпарварлик ҳиссиётларини шакллантириш, уларда ўз тарихига нисбатан эҳтиром туйғусини уйғотиш, ёш авлоднинг тарихий онгини, маданий савиясини ўстиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертация структураси ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби “**Тарихий онгни ўрганишнинг методологик жihatлари**” деб номланган ва тарихий онг тушунчасининг ўзини ўрганишга бағишланган. Маълумки, тарихий онг бир вақтнинг ўзида ҳам фалсафий, ҳам тарихий категория ҳисобланади ва чуқур назарий ва методологик ёндашувни тақозо этади.

Тарихий онг ўз тузилишига кўра мураккаб ҳодиса бўлиб, унинг бир неча асосий қисмларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қисмлар тарихий ҳақиқатни англаш шакллари, таъсир кўрсатиш вақти, муайян тарихий даврлар ва тамаддунларга муносабатига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, фанда қабул қилинган ёндашувга кўра тарихий онгни кундалик ва илмий-назарий даражада кўриб чиқиш мумкин Бу шакллар тарихий борлиқда табиий ва объектив равишда юзага келган ва ўзаро боғлиқдирлар.

Бугунги кунда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тушуниш, уларга баҳо бериш учун инсон тарихни билиши, англаши лозимки, бу унга борлиқни тўғри англаш ва уни ўзгартириш учун аждодлар яратган тажрибага, ўтмиш пойдеворига таяниш имконини беради. Замонавий шахс ўзининг тарихий воқеаларга боғлиқ эканлигини, ўз мамлакатига, бутун дунёда рўй бераётган воқеаларга бевосита дахлдорлигини бугун ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ ҳис этмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари тарихни билишнинг аҳамияти жамият ва инсон онгида рўй бераётган катта ўзгаришлар даврида янада ошади. Хусусан, бугунги кунда айнан шундай вазиятни кузатиш мумкин ва тарихни, ўтмишни англаш

жамиятнинг янги босқичга кўтарилиши, моддий ва маънавий маданиятларнинг тубдан ўзгариши учун асос бўлади.

Тарихий онг ва тарихни англаш ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, тарихий онг тарихий билишнинг асосий функцияларидан биридир. Фалсафа ва тарих фанларида тарихий онг ўз моҳиятига кўра бир неча тавсифга эга бўлиши мумкин:

1. Тарихий онгнинг ўзига хос кўриниши;
2. Тарихий давр рефлексияси;
3. Муҳим тарихий воқеаларни аниқлаштириш, талқин этиш жараёни.


Мазкур тадқиқотда тарихий онг тушунчаси Ғарб ва Шарқ фалсафий ва тарихий мактаблари таълимотлари доирасида таҳлил қилинган. Айтиш лозимки, бу соҳада Ғарбда кўплаб моделлар ишлаб чиқилган ва улар айрим ҳолларда ҳаттоки бир-бирларини инкор этишларига қарамасдан, айрим ҳолларда эса бир-бирларини эътироф этадилар.

Шарқ файласуфлари ва маърифатпарварлари тарихий онгни ўзгача талқин этадилар ва уни ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши учун зарур омил сифатида тушунадилар, айтиш вақтда жамиятнинг ўзи ҳам тарихий онгни шакллантириш учун мақсадли ҳаракат қилиши мумкинлигини инкор этмайдилар.

Ҳозирги замон тарихий-фалсафий, илмий қарашларига келсак (мамлакатимиз фани назарда тутилмоқда) бунда тарихий онг маънавий ва маърифат, ўзликни англаш тушунчалари билан бевосита боғлиқ категория сифатида тушунилади. Ҳозирги давр ўзбеколимлари фикрича, тарихий онг – бу жамият, ижтимоий гуруҳларнинг ажралмас қисми бўлиб, айтиш пайтда шахс, инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурлардир. Тарих ўтмиш, бугунги кун ҳамда келажакни бутун бир уйғунликда қамраб олади.

Тарихий онгни юқорида кўрсатиб ўтилган шакллар билан ўзаро боғлиқлигини схема тарзида ҳам кўрсатиш мумкин, бунда унинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни, назаримизда, яққолроқ намоён бўлади. Албатта, тарихий онгнинг ижтимоий онг тизимидаги ўрни исбот талаб қилмайди, аммо у мазкур тизимдаги бошқа шакллардан фарқ қилади. Бизнингча, шу сабабли уни ижтимоий онгнинг бошқа барча шакллариغا кирувчи, уларни жипслаштириб, боғлаб турувчи, ҳамда шу орқали ягона, яхлит бир тизим, ёки образли қилиб айтсак, яхлит «марварид мунчоқ» ҳосил қилувчи ип сингари тасвирлашга тўғри бўлади.

Тарихий ва ижтимоий онгнинг ўзга шакллари ўзаро боғлиқлигини цилиндр шаклида ҳам кўрсатиш мумкин. Бунда белгиланган бўлақлар ижтимоий онгнинг турли шакллари ифодалайди (уларнинг сони исталганча кўп бўлиши мумкин). Кўндаланг чизиқлар ҳаётни гносеологик маънода акс эттиришнинг турли даражаларини билдиради. Тарихий онг эса уларни боғлаб турувчи марказий ўринни эгаллайди. Бу ҳақиқатан ҳам шундай эканлигини яна шу билан исботлаш мумкинки, тарихий онгнинг бошқа ҳар қандай шакли, албатта, ўз тарихига эгадир. (1-расмга қаранг).



**1.1-расм. Ижтимоий онг тизимида тарихий онгнинг ўрни.**

Мазкур бобда ёш авлод тарихий онгининг социумда шаклланиши ва тадрижий ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган. Шунга асосланиб, ўтмиш ёш авлод онгида қай тарзда акс этишини кўриб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз, чунки ёшлар онги тез таъсирланувчанлиги ва айни вақтда борлиқни қабул қилишда кўп ҳолда хатога йўл қўйиши мумкинлиги билан характерланади.

Илмий таҳлилимиз ёш авлод тарихий онгинини даврларга бўлиб ўрганишга асосланади. Мазкур даврларни учга бўлиш мумкин:

- XX асрнинг биринчи ярми;
- 1968-1991 йиллар;
- 1991 йилдан – ҳозиргача.

Умуман олганда ёшлар тарихий онгини ўрганишни Европа фанига хос муаммо деб айтиш мумкин, зеро у, юқорида таъкидлаганимиздек, энг аввало немис фалсафасида кун тартибига қўйилди, кейинчалик Европанинг бошқа илмий мактабларида ҳам унга эътибор қаратилди, ва ниҳоят, жаҳон фанида ҳам унга нисбатан қизиқиш ортди. Бироқ, Ўзбекистонда тарихшунослик ва социология фанларида бу муаммо деярли ўрганилган эмас.

Бундан ташқари, мазкур бобда, ёшлар тарихий онги ривожланишининг босқичлари, хусусан, унинг бугунги кундан келажак сари йўналиши батафсил тадқиқ қилинган. Европа ва бошқа мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар ўрганиб чиқилган ва натижада тарихий онг қотиб қолган эмас, балки динамик, доимо ҳаракатда ва ривожланишда бўлган тизим сифатида талқин қилинганки, бунда ўтмиш бугунги кун ва келажак контекстида шаклланади, яъни тарихни ўрганиш бевосита сиёсий жараёнларга таъсир этади, деган ғоя илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ёшлар тарихий онгининг моҳияти ва структураси**» деб номланиб, у тарихий онгнинг моҳияти, табиати, мазмуни, унинг тузулмасига бағишланган, айни пайтда мазкур бобда тарихий онг шаклланиш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва роли тадқиқ

қилинган. Тарихий онг ва тарихий хотирага нисбатан инсондаги зарурат инсоният жамияти ривожланишинг илк босқичларидаёқ англаб етилган, масалан, ўтмиш воқеаларига, тарихга хурмат ҳиссини биз турли халқларнинг қадимги эпос, дostonлари, афсона ва ривоятларидаёқ кўришимиз мумкин.

Мазкур бобда тарихий онгга бўлган турлича қарашлар кўриб чиқилган. Бу ўринда М.Хальбвакс, Н.Луман, Н.В.Романовский сингари олимларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкинки, уларнинг ишларида тарихий онг ва тарихий хотира ўртасидаги фарқлар ёритилган. Илмий тадқиқот натижаларига кўра инсон ўз ақлий фаолияти туфайли, тарихий хотира ёрдамида ўзини англаши ва тарихий онги шаклланиши аниқланди.

Тарихий хотиранинг таркибий қисмларини ўрганишга келганда, бу ўринда халқлар, миллатлар, давлатлар тарихининг энг муҳим саналари, воқеалари, буюк тарихий шахсларни олиш мумкин. Айтиш пайтда тарихий хотиранинг салмоқдор қисмларидан бири сифатида халқлар маданиятини ҳам олиш мумкинки, унга анъаналар, ўзига хос яшаш тарзи, ахлоқий қонун-қоидалар, урф-одатлар, маънавий қадриятлар, илмий, адабий, маданий соҳаларда эришилган ютуқлар киради.

Тарихий хотиранинг асосий унсурлари: этнотарихий хотира; ижтимоий хотира; сиёсий хотира; социомаданий хотира; конфессионал (диний) хотира: ўзга халқлар, давлатлар билан алоқага киришиш шакллари, усулларини бирлаштирувчи хотира, миллатлараро мулоқот хотираси.

Мазкур боб доирасида ёшлар тарихий онгининг моҳияти, асосий белгилари тадқиқ қилинди. Мутахассислар фикрича, жамиятдаги ёшлар қатлами хусусида фанда ва амалиётда қандайдир умумий ёндашув йўқ. Ижтимоий ҳаётнинг субъекти бўлмиш ёшлар қатламининг ўзига хос белгилари хусусида фақат шуни айтиш мумкинки, уларга ҳаракатчанлик, фаоллик, янгиликка интилиш хос, бироқ, айтиш вақтда улар ижтимоийлашув (социализация) жараёнига кўпроқ боғлиқдирлар. Қайд этиш лозимки, ёшлар ижтимоий гуруҳ сифатида келажакка интиладилар. Ёшлар ҳозирда рўй бераётган ва ўтмишда юз берган воқеаларга айнан келажак нуқтаи назаридан баҳо беришади. Айрим тадқиқотчилар фикрича, «жамият келажagini ёшлар билан боғлар эканмиз, шуни айтиш мумкинки, келажак ҳар бир жамиятда аллақачон бор ва у болалар ҳамда ёш авлод кўринишида мавжуддир, яъни айнан ўсиб келётган авлодда келажак бугунги кунда мавжуд ва сўнгра у келажакка айланади»<sup>1</sup>.

Диссертацияда келажак авлоднинг ёш чегараси ҳам таҳлил қилинганки, бу масалага турли хил ёндашувлар, нуқтаи назарлар мавжуддир. Ғарбий Европа олимлари тарихий онг масаласида ёшларни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганадилар, бунда уларнинг фикрича, тарихий онгининг ривожланиш босқичлари муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот давомида биз ёшлар тарихий онгини уларнинг ёшига қараб

---

<sup>1</sup> Бааль Н.Б. Молодежь как социальная группа // Перспективы науки. 2010. №10 (12). С.36

бир неча даражага бўлиш мумкинлиги хусусида ғояларни кўриб чикдик<sup>1</sup>. Масалан ўтган аср немис фалсафасида, яъни ўттизинчи йилларидаёқ болалар ва ўсмирлар тарихий онгини тадқиқ қилишга интилишлар бўлган эди (К.Зоннтаг). Бироқ, назаримизда, бошқа немис олими Х.Ноак ишлаб чиққан тасниф кенгроқ тарқалган. Мазкур олим Ж. Пиаженинг интеллектуал структуралар назарияси, Л. Кольбергнинг маънавий онг тушунчаси, Ж. Фаулернинг «эйтикод» ривожланишининг даражалари хусусидаги қарашларига асосланиб тарихий онгининг олти даражасини белгилаган ва бунда шахснинг ўзлигини, ўз «Мен»ини англашидаги асосий даражалар асос қилиб олинган. Хусусан, ёш авлоднинг тарихий онги уч давр, босқич, даража билан белгиланади – 2 ёшдан 6 ёшгача, 6 ёшдан 12 ёшгача ва 12 ёшдан 18 ёшгача<sup>2</sup>. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, айрим немис олимлари (К.Кёльб ва Ю.Штрауб) яна ҳар бир ёш гуруҳининг ичида ҳам тарихий онгининг турли типлари, кўринишлари мавжудлиги ҳақида фикр билдиришади<sup>3</sup>.

2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунида ёшлар мақомига қўйидагича изоҳ берилган: «ёшлар — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар»<sup>4</sup>.

Тадқиқотчи У.К.Қаюмов жамиятимиздаги ёшларни қўйидаги гуруҳларга бўлади: «статистика ахборотида мувофиқ Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, 64 фоизини 18 дан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилади»<sup>5</sup>.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш жараёнида ёшлар тарихий онгининг ўзига хос хусусиятлари**», деб номланади ва унда тарихий онгининг тарбиявий имкониятлари таҳлил қилинади. Бошқача айтганда «ёшларни қай даражада тарихга қизиқиш орқали тарбия қилиш мумкин?» деган саволга жавоб изланади.

Бу масала, жуда муҳим, чунки жамиятимизда тарихга ёндашувнинг ягона концепцияси, янги дарсликларни яратиш ва улар орқали ёшларнинг

---

<sup>1</sup>Pandel H.-J. Geschichtlichkeit und Gesellschaftlichkeit im Geschichtsbewusstsein.Zusammenfassendes Resümee empirischer Untersuchungen // Geschichtsbewusstseinempirisch / Bodo von Borries (Hrsg.). Pfaffenweiler: Centaurus-Verl.-Ges., 1991. S.1-24; El Darwich R. Zur Genese von Kategorien des Geschichtsbewusstseins bei Kindern Im Alter von 5 bis 14 Jahren // Geschichtsbewusstseinempirisch / Bodo von Borries (Hrsg.). Pfaffenweiler: Centaurus-Verl.-Ges., 1991. S.24-53; Noack Ch. Stufen der Ich-Entwicklung und Geschichtsbewusstsein// Zur Genese historischer Denkformen. Qualitative und quantitative empirische Zugänge. / Bodo v. Borries & Hans-Jürgen Pandel (Eds.). Pfaffenweiler: Centaurus, 1994. S. 9-47.

<sup>2</sup>Noack Ch. Stufen der Ich-Entwicklung und Geschichtsbewusstsein...S.13-14.

<sup>3</sup>Kölb C., Straub J. Historical consciousness in Youth. Theoretical and Exemplary Empirical Analyses // Forum Qualitative Sozialforschung. Vol. 2, №3. September.2001. URL: <http://www.qualitative-research.net/fqs-texte/3-01/3-01koelblstraub-e.htm> (датаобращения: 12.05.2012).

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Қонуни. [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz/docs/3026250>

<sup>5</sup>Қаюмов У.К. «Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида Ўзбекистон ёшларининг ижтимоийлашув жараёнлари». [Электронресурс]: <http://n.ziyouz.com/books/falsafa/O'tkir%20Qayumov.%20Fuqarolik%20jamiyatining%20shakllanishi%20sharoitida%20O'zbekiston%20yoshlarining%20ijtimoiylashuv%20jarayonlari.pdf>. С.29.

тарихий онгини тарбиялаш масаласи долзарб бўлиб турибдики, бу орқали мамлакатимиздаги барча ижтимоий гуруҳларни бирлаштириш имконияти туғилади. Кун тартибда «тарихни ўқитишни қай тарзда олиб бориш лозим?», деган савол турибди ва унга бир хил жавоб бериб бўлмайди. Шунинг учун мазкур муаммони фалсафий ўрганиш тўғри йўл танлаш имконини берган бўлар эди.

Шарқ ва Ғарб олимларининг барчаси тарихнинг маънавий-тарбиявий аҳамиятини тан олишади. Шунинг учун «ёшларни тарих орқали тарбиялаш мумкинми?», деган саволга, албатта, ижобий жавоб бериш лозим.

Бундан ташқари, учинчи бобда мазкур диссертация мавзуси доирасида муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар орқали ёшлар тарихий онгининг намоён бўлишидаги ўзига хосликлар ҳам таҳлил қилинади.

Тадқиқот объекти сифатида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гуруҳ вакиллари олинди (бунда ёш чегаралари Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунига таянган ҳолда белгиланди)<sup>1</sup>.

Тадқиқотнинг эмпирик асосини мазкур иш доирасида амалга оширилган социологик тадқиқотлар, шунингдек, Республика ижтимоий фикрини ўрганувчи «Ижтимоий фикр» маркази томонидан турли вақтларда олиб борилган кузатув ва тадқиқотлар натижалари ташкил этади. Бундан ташқари, Фридрих Эберт номидаги Жамғарманинг Қозоғистондаги ваколатхонаси томонидан 2014-2016 йилларда олиб борилган «Марказий Осиё ёшлари. Қозоғистон», «Марказий Осиё ёшлари. Тожикистон» социологик тадқиқотларига таянилди.

Диссертация мавзуси доирасида олиб борилган тадқиқотларда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 347 киши иштирок этди. Тадқиқот 2018 йилнинг октябр-декабр ойларида Самарқанд шаҳрида ўтказилди.

Диссертацияда ёшларнинг тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни билиш даражаси, уларнинг бу воқеаларга муносабатини намоён қилувчи қатор жадваллар келтирилган. Шунингдек, диссертацияда муаллифнинг хулосалари берилган, мазкур мавзу бўйича тадқиқотларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Эмпирик тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, иштирокчиларнинг 70 фоизи тарихий жараённинг концепциясини яхши билишади, бу таълим парадигмасининг тўғрилигини кўрсатади. Сўровномада тақдим этилган тарихий маълумотлар деярли барча респондентларга таниш, аммо улар турли хил хабардорлик даражасига эга. Шуни таъкидлаш керакки, респондентлар, энг муҳими, оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида тез-тез учрайдиган тарихий шахслар ҳақида маълумотга эга, уларнинг фаолияти кўпинча тарихнинг турли даврларида жамиятнинг тарихий ривожланишидаги катта ўзгаришлар билан боғлиқ. Респондентларнинг кўпчилиги Чингизхон каби 209 (71,5%), Алишер Навоий - 229 (78,4%),

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Қонуни. [Электрон ресурс]: <http://www.lex.uz/docs/3026250>



Нажмиддин Кубро - 127 (43,4%), Амир Темур респондентларнинг 259 таси (88,6%) маълум бўлган тарихий шахс, Мирзо Бобур - респондентларнинг 205 (70%) маълум бўлган тарихий шахс, Александр Македонский - 197 (67,4%) маълум бўлган тарихий шахс, Мирзо Улуғбек - 220 (75,3%), Жалолиддин Мангуберди - 208 (71 %) респондент учун маълум бўлган тарихий шахс, Тўмарис - 207 (70,8%) респондент учун маълум бўлган тарихий шахс. Шунингдек, айтиш лозимки, респондентларнинг фақат бир қисми ўз тарихий даврининг буюк инсонлари ҳисобланадиган кишиларнинг номларини (масалан, Наполеон, Муссолини, Сталин ва бошқаларни) биладилар, холос.

Олинган маълумотларга кўра, тадқиқотга жалб этилган ёшлар турли манбалардан олинган тарихий ҳодисалар ҳақида маълумотларга эга. Биринчидан, 180 та респондент томонидан ахборотнинг тегишли манбаси ҳисобланган Интернет, иккинчиси ахборот манбаси сифатида эса 144 (49,3%) респондент томонидан телевидение танланган. Шунга қарамай, респондентлар таъкидлайдиларки, улар учун энг аҳамиятлиси, тарихий мазмунга эга филмлар ва телекўрсатувларни томоша қилиш орқали олинган маълумотлардир. Бадиий адабиёт орқали маълумот олиш 136 (46,5%) респондент томонидан қайд этилди. Илмий адабиётларнинг долзарблиги 132 (45%) респондентга маълум. Энг муҳими, 85 (29,1%) респондент томонидан қайд этилган дўстлар ва танишлар томонидан олинган маълумотдир. Энг кам олинган маълумот манбалари - бу 38 (13%) ва 71 (24,3%) респондентлар томонидан қайд этилган радио ва даврий нашрлар орқали берилган маълумотдир.

